



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
QARORI

“ 21 ” ноябрь 2020 yil

Ya'ryan shahri 1562 - sonli

Ўзбекистон тумани 4к-923 “Яйпан-Рапқон-Бешариқ-Чилмахрам автомобиль йўлининг 2,0 км.да Ислом қишлоғига Оқмачит МФЙ билан кесишган чорраҳага светофор, Беруний МФЙ Ғ.Ғулом кўчасига, Навбахор МФЙ Аширкулмерган қишлоғига, Шодлик МФЙ Қушқўноқ қишлоғига, Ўқчи Туман МФЙ Маданият кўчасига “юқори тезлик чекланган” (50) йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 5, 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарорига мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғи, туман ДСИ бошлиғи 4-сектор раҳбарининг ҳамда Ислом МФЙ раисининг илтимосномаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Републикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ИИБ бошлиғи, туман ДСИ бошлиғи - 4-сектор раҳбарининг ҳамда Ислом МФЙ раисининг илтимосномалари инобатга олинсин;
2. 4к-923 “Яйпан-Рапқон-Бешариқ-Чилмахрам автомобиль йўлининг 2,0 км.да Ислом қишлоғига Оқмачит МФЙ билан кесишган чорраҳага **светофор** ва Беруний МФЙ Ғ.Ғулом кўчасига, Навбахор МФЙ Аширкулмерган қишлоғига, Шодлик МФЙ Қушқўноқ қишлоғига, Ўқчи Туман МФЙ Маданият кўчаларига **“юқори тезлик чекланган” (50)** йўл белгиларини ўрнатишга рухсат этилсин;
3. “Ўзбекистон туман йўллардан мунтазам фойдаланиш” УК директори **Х.Турсуновга**: 4к-923 “Яйпан-Рапқон-Бешариқ-Чилмахрам автомобиль йўлининг 2,0 км.да Ислом қишлоғига Оқмачит МФЙ билан кесишган чорраҳага светофор ва Беруний МФЙ Ғ.Ғулом кўчасига, Навбахор МФЙ Аширкулмерган қишлоғига, Шодлик МФЙ Қушқўноқ қишлоғига, Ўқчи Туман МФЙ Маданият кўчасига “юқори тезлик чекланган” (50) йўл белгиларини ўрнатиб бериш вазифаси топширилсин;
4. “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ахборот хизмати раҳбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари **И. Нажмиддинов** зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ. Джураев